

**СУҒУРТА ТАШКИЛОТЛАРИ МОЛИЯВИЙ БАРҚАРОРЛИГИНИ ОШИРИШДА
МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТНИНГ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ**

PhD, Абдураимова М.А.

Тошкент молия институти

Аннотация: *Мазкур мақолада суғурта ташкилотлари молиявий барқарорлигини оширишда молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини қўллаш хусусиятлари очиб берилган. Олиб борилган тадқиқотлар натижасида суғурта ташкилотлари молиявий барқарорлигини оширишда молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини қўллаш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.*

Калит сўзлар: *суғурта ташкилоти, суғурта бозори, молиявий ҳисобот, молиявий барқарорлик, иқтисодий ўсиш, жаҳон банки, халқаро стандарт, риск, SWOT-таҳлил, тўлов қобилияти.*

1. Кириш.

Жаҳон иқтисодиётининг асосий ва бош мақсади ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасида доимий самарадорликка ва ижобий натижага эришиш ҳисобланади. Бу мақсадга эришиш ва молиявий барқарорликни таъминлаш «Молия секторини ривожлантириш дастури»¹ МСРД асосида амалга оширилади. МСРД ўзагини молиявий барқарорлик ва иқтисодий ўсишни таъминлаш ташкил этади. «Жаҳон банкнинг 2019 йил яқунлари бўйича йиллик соф фойдаси 45,1 млрд АҚШ долларини ташкил қилган ҳолда шундан 5,548 млн АҚШ доллари суғурта қопламаларига тўғри келади»². Бу шундан далолат берадики, суғурта ташкилотлари молиявий барқарорлигини оширишда молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини қўллаш мамлакатимиз иқтисодиётининг иқтисодий глобаллашув шароитида муҳимлигини кўрсатиб беради.

Ўзбекистонда суғурта бозори ҳолати ва ривожланиш йўналишларида «миллий суғурта бозорининг халқаро ва хорижий суғурта бозорлари билан интеграциялашувини ошириш», «хорижий инвесторларда маҳаллий корхоналар молиявий ҳисоботларининг ҳаққонийлигини тушуниш кўникмасини шакллантириш» муҳим ўрин тутди. Бу эса, «очиқ ва тушунарли бизнес ахборотларини» тақдим этиш имкониятини беради ҳамда оптимал бошқарув қарорларини қабул қилишда халқаро стандартларнинг роли ошишига олиб келади.

Суғурта ташкилотларининг тармоқ хусусиятларида молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини ташкил этиш жараёни суғурта бизнеси ахборотининг ишончлилигига қаратилган объектив ҳолат ҳисобланади. «Суғурта ташкилотларида молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари барча хўжалик операцияларини яхлит, узлуксиз, ҳужжатлар асосида ҳисобга олиш йўли билан бухгалтерия ахборотини йиғиш, қайд этиш ва умумлаштиришнинг тартибга солинган тизимидан, шунингдек, унинг асосида молиявий ва бошқа ҳисоботни тузишдан иборатдир. Бухгалтерия ҳисоби хўжалик операциясини бухгалтерия ҳисобининг камида иккита счётида бир вақтда ва ўзаро боғлиқ ҳолда пулда баҳолаб акс эттириш йўли билан иккиёқлама ёзув усулида юритилади». Бу эса ўз навбатида, «суғурта ташкилоти бухгалтерия баланси актив бўлимининг узоқ ва қисқа муддатли активлари таркибида ишлатиладиган пасив бўлимининг иккинчи қисмида ҳисобга олинувчи суғурта захираси маблағлари ҳолатини таҳлил қилиш муҳим аҳамиятга эгалиги ва суғурта ташкилотларининг молиявий-хўжалик фаолияти натижаларини акс этувчи бухгалтерия баланси актив ва пасивини ўзаро боғлиқликда шаклланиши орқали унинг бошқарувида бўлган бухгалтерия фаолияти ҳамда стратегик бошқарув сиёсати сифатида баҳо бериш имконини беради».

¹ <https://www.imf.org/external/np/fsap/fssa.aspx>. 2019 йил, январь

² <http://pubdocs.worldbank.org/en/625641565356285634/IBRD-Financial-Statements-June-2019.pdf>

Суғурта ташкилотлари молиявий барқарорлигини оширишда молиявий ҳисоботнинг халқаро стандарти субъектининг ҳисобот санасидаги молиявий ҳолати, ҳисобот давридаги фаолиятининг молиявий натижаси ва пул маблағларининг ҳаракати тўғрисидаги тизимлаштирилган ахборотларни юритиш юзасидан объектив маълумотлар тақдим этишдан иборатдир.

Шу ўринда айтиш лозимки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 2 августдаги "Ўзбекистон Республикасининг суғурта бозорини ислоҳ қилиш ва унинг жадал ривожланишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-4412 сонли, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 февралдаги "Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-4611 сонли қарорлари суғурта ташкилотлари молиявий барқарорлигини таъминлашда асосий механизм бўлиб хизмат қилади.

2. Адабиётлар шарҳи.

Иқтисодчи мутахассис Полазнова (2007) ўзининг илмий ишларида «суғурта ташкилотининг молиявий ва мулкӣ ҳолатини тавсифловчи асосий ўзига хос объектлари деб суғурта мукофотлари, суғурта тўловлари, суғурта агентларига (брокерларига) комиссия тўловлар, қайта суғурта тўловлари, суғурта захиралари, ишлар олиб бориш харажатлари ва бошқа бухгалтерия объектларини киритган».

Амалиётчи Кузьминов (2000) «суғурта ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби хусусиятини очиб беришда рискларга алоҳида тўхталиб ўтган ва уларни камайтиришнинг қўйидаги учта асосий шакллари айтиб ўтган»:

1. Рисклардан огоҳлантириш ва келажакда содир бўлиши юқори бўлган рискларни олдини олиш учун зарур бўлган чораларни кўриш;
2. Рискларни локаллаштириш орқали, унинг тарқалишини олдини олиш ва имкон қадар қисқа вақт ичида хавфни бартараф этиш;
3. Тасодифан юзага келган рисклар натижасида кўрилган зарарларни қоплаш.

Алекринский ва бошқалар (1995) эса, «суғурта ташкилотининг бухгалтерия сиёсати меъёрий ҳужжатларга асосланганидан ташкилотнинг мол-мулки ва молиявий ҳолатини ташкил этиш, ҳисобга олиш тартибини белгилайди, бу ўз навбатида, ишончли молиявий ҳисоботларни шакллантиришни таъминлайди ва пировардида бухгалтерия ишига сарфланганидан харажатларни камайтиришга ёрдам беради» деб таъкидлайди.

Петрова (2008) «суғурта ташкилотларининг молиявий ҳисоботини тузиш, бухгалтерия баланси ва унинг иловаларида акс эттирилган ҳисоб маълумотлари ва ҳисобот шакллари асосида кўрсаткичлар тўплами эканини таъкидлайди».

Ходжаева (2001) «суғурта фаолиятига алоқадор операцияларнинг бухгалтерия ҳисоби, хусусан суғурта мукофотларининг келиб тушишини, суғурта тўловларини ва суғурта суммаларини ҳисобга олиш, махсус суғурта фондларини ва резервларини шакллантириш, шунингдек, молиявий натижаларни шакллантириш орқали бухгалтерия счётларида акс эттиришдир» – дея таъриф беради.

Юқорида келтирилган олимларнинг фикрлари суғурта ташкилотлари молиявий барқарорлигини оширишда молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини қўллаш юзасидан, суғурта ташкилотлари бухгалтериясини бир тизим асосида ташкил этишда муҳим аҳамият касб этади.

3. Тадқиқот методологияси.

Суғурта ташкилотлари молиявий барқарорлигини оширишда молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларидан фойдаланиш йўналишлари бўйича босқичма-босқич олиб борилаётган иқтисодий ислохотлар натижасида иқтисодиётни инновацион ривожлантиришга эришилмоқда. Бунинг учун эса суғурта ташкилотлари молиявий барқарорлигини оширишда молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартларидан фойдаланиш бўйича таҳлил усулларида кузатиш, солиштирма таҳлил, SWOT-таҳлил ва бошқа шу каби бошқа усуллардан фойдаланилган.

Умуман олганда, юқорида келтирилган фикрлар ва қўлланилган таҳлил усуллари тадқиқот ишининг мазмун ва сифатини оширишга хизмат қилиб, мавзу доирасида илмий асосланган таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишда муҳим аҳамият касб этади.

4. Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Жаҳон бозоридаги натижалар тасдиғи шуни кўрсатадики, ривожланган мамлакатлардаги иқтисодий ўсиш жараёни бутун аҳолининг даромадларига ўз таъсирини кўрсатиб, валютанинг тақсимланиши ва қайта тақсимланишида муҳим аҳамият касб этади. Ривожланаётган мамлакатлар ҳам иқтисодий фаол жараёнларни таъминлаш мақсадида шунингдек, валюта жуфтлигини йўлга қўйиш мақсадида бир қатор йўл хариталарини ишлаб чиқишмоқда.

Ҳозирги кунда иқтисодий самарадорликни йўлга қўйиш мақсадида, потенциал суғурталовчиларнинг ишончини қозониш ва фаолият натижаларининг шаффофлигини таъминлаш суғурта муносабатларини ривожлантиришнинг энг асосий ва ишончли пойдевори бўлиб хизмат қилади. Бундай шароитда, суғурта ташкилотлари ўзларининг молиявий барқарорлигини ошириш мақсадида молиявий ҳисоботларига қизиқиш билдирган шахсларнинг талаб ва эҳтиёжларини қондириш учун барча фойдаланувчиларга шаффоф маълумотларни тақдим этишлари суғурта бозори иштирокчиларининг ва инвесторларнинг муҳим алоқа воситаси бўлиб хизмат қилади. Бу эса суғурта ташкилотлари бухгалтерия ҳисоботидан фойдаланувчилар учун уларнинг манфаатларига мос равишда ахборот билан таъминлашни тақазо этади.

1-жадвал

Суғурта ташкилотлари бухгалтерия ҳисоботидан фойдаланувчилар

| Т/Р | Фойдаланувчилар | Фойдаланувчилар манфаатлари |
|-----|--|--|
| 1. | Акциядорлар | Дивиденд сиёсати |
| 2. | Инвесторлар | Иқтисодий самарадорлик ва даромадларнинг қайтувчанлиги |
| 3. | Кредиторлар | Молиявий барқарорлик |
| 4. | Миллий ва хорижий банклар | Фаолиятнинг самарали бошқарилаётганлиги ва контрагентнинг ишончилиги |
| 5. | Давлат солиқ қўмитаси | Фаолият юзасидан тўланадиган солиқлар |
| 6. | Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бошқа давлат органлари | Миллий даромадлар ва статистик маълумотлар |
| 7. | Ишчи ва хизматчилар | Меҳнат ҳақи маълумотлари |

Юқоридаги жадвал маълумотларини тақдим этиш учун эса албатта молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига аҳамият қаратилади. Шундан келиб чиққан ҳолда, суғурта ташкилотларининг молиявий ҳисоботида суғурта мукофотининг аҳамияти катта бўлиб, асосий жараёнларни ҳаракатга келтиради ва молиявий ҳисобот тузишда етакчи ҳисобланади.

Қуйида келтирилган расмга ҳам диққат қиладиган бўлсак, суғурта ташкилотларининг асосий ҳисоб объектлари ва суғурта ташкилотларига хос жараёнлари ўртасидаги муносабатларни кенг қамровли боғлиқлигини кўриш мумкин.



1-расм. Суғурталанувчи ва суғурталовчи фаолиятининг ўзаро боғлиқлиги

Суғурта ташкилотларида молиявий ҳисоботнинг шаклланиш хусусиятлари юқоридаги расмдан келиб чиқиб қуйидагиларда намоён бўлади:

- суғурта ташкилотлари фаолиятини қонунийлиги;
- тузилган суғурта шартномаларининг хусусияти;
- қайта суғурта операцияларининг мавжудлиги;
- суғурта даъвоси ва суғурта товонларининг ўзаро мутаносиблиги;
- суғурта захираларини ташкил этиш ва жойлаштирилиши бўйича манфаатдорлик;

- суғурта ташкилотларида инвестиция фаолиятининг жозибадорлиги;
- иш юритиш харажатларининг тўғри тақсимланиши;
- суғурта иштирокчиларининг фаолияти хусусиятлари.
- Буларнинг барчаси умумий қилиб айтадиган бўлсак, суғурта ташкилотининг суғурта бозоридаги муҳим ўрнини шакллантиришда асосий вазифани бажаради.

2-жадвал

«Ўзагросуғурта» АЖ суғурта ташкилотининг суғурта бозори бўйича маълумоти (млрд.сўм)

| № | Кўрсаткичлар номи | 2016 йил I чорак | 2017 йил I чорак | Ўзга риши %да | 2018 йил I чорак | 2019 йил I чорак | Ўзга риши %да |
|-----|-----------------------------------|---------------------|---------------------|---------------------|---------------------|---------------------|---------------------|
| 1. | Умумий устав капитали | 248,6 | 321,6 | 30 | 346,2 | 568,1 | 64 |
| 2. | Инвестициялар | 867,5 | 1 482,6 | 71 | 1 560,6 | 2 070,7 | 33 |
| 3. | Суғурта мукофотлари, жумладан: | 692,4 | 927,5 | 34 | 381,0 | 522,8 | 37 |
| 3.1 | Ихтиёрий суғурта | 485,0 | 694,1 | 43 | 316,0 | 449,8 | 42 |
| 3.2 | Мажбурий суғурта | 207,5 | 233,3 | 12 | 65,0 | 73,0 | 12 |
| 4. | Суғурта тўловлари, жумладан: | 130,8 | 270,0 | 107 | 82,7 | 180,2 | 118 |
| 4.1 | Ихтиёрий суғурта | 97,6 | 202,4 | 139 | 64,1 | 159,9 | 149 |
| 4.2 | Мажбурий суғурта | 33,2 | 67,6 | 48 | 18,6 | 20,3 | 9 |

Манба: "Ўзагросуғурта" АЖнинг www.agros.uz сайти.

Юқоридаги жадвал маълумотлари асосида кўриш мумкинки, суғурта ташкилотининг устав капитали, инвестициялар, суғурта мукофотларининг ўсиш мутаносиблиги таъминланган, тўлов қобилияти яхшиланган, албатта буни ижобий баҳолаш мумкин. Бироқ суғурта тўловларининг суғурта мукофотига нисбатан ошиб кетгани (107% ва 118%) суғурта портфели мутаносиблиги бузилишига олиб келган. Суғурта портфели мувозанатининг бузилиш сабаби суғурта шартномаси ва суғурта жавобгарлиги орқали юзага келган (3-жадвал).

3-жадвал

«Ўзагросуғурта» АЖ суғурта ташкилотида кўрсаткичлар динамикаси

| Кўрсаткич номи | 2018йил 1-чорак | 2019йил 1-чорак | Динамикаси, | |
|---------------------------------|--------------------|--------------------|-------------|---------|
| | | | % | (+,-) |
| Суғурта мукофоти, млрд. сўм | 42,4 | 44,7 | 105,4 | 2,3 |
| Суғурта шартномаси, минг дона | 722,8 | 568,2 | 78,6 | - 154,6 |
| Суғурта жавобгарлиги, трлн. сўм | 16,0 | 14,8 | 93,0 | - 1,2 |
| Суғурта товони, млрд. сўм | 10,8 | 15,3 | 141,5 | 4,5 |

Манба: "Ўзагросуғурта" АЖнинг www.agros.uz сайти.

Жадвал маълумотларидан кўриш мумкинки, йиғилган суғурта мукофотлари ўсиши +5,4%, тўлаб берилган суғурта товони ўсиши +41,5 % ни ташкил этмоқда. Бу эса, иқтисодийда суғурта ташкилотлари фаолиятининг ривожланишига тўсқинлик қилиши мумкин. Бизнинг фикримизча, суғурта ташкилотларини янада ривожланишини самарали ташкил этиш мақсадида: 1) суғурта ташкилотининг капитали ва активлари миқдорини кенгайтириш ва кўпайтириш; 2) суғурта операциялари ҳажмини ошириш; 3) суғурта турларининг хилма-хиллигини таъминлаш; 4) мажбурий суғурта операцияларини ўтказишни йўлга қўйиш; 5) қайта суғурталаш операцияларини жадаллаштириш; 6) суғурта воситаларининг ривожланган тизимини яратиш; 7) суғурта ташкилотлари фаолияти устидан давлат назорати тизимини такомиллаштириш; 8) суғурта ташкилотларини молиявий ресурсларнинг катта қисмини тўплайдиган ва жойлаштирадиган йирик инвесторларга айлантириш; 9) суғуртани миллий

чегараларидан ташқарига чиқиш, уни халқаро хусусиятларга эга бўлиши ва ушбу жараённинг табиий натижаси сифатида суғурта бозорининг глобаллашувини таъминлаш чораларини кўриш лозим.

5. Хулоса ва таклифлар.

Суғурта ташкилотлари молиявий барқарорлигини оширишда молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларидан фойдаланиш суғурта фаолиятининг натижаси сифатида ҳисоботни тузиш ўзгача характерга эга эканлиги, хусусиятлари, иш жараёнларини ташкил қилиниши билан боғлиқ бўлади. Суғурта ташкилотлари молиявий барқарорлигини оширишда аввало, молиявий ҳисоботларни аниқ ва ишончли тузиш ўз навбатида, олиндиган бухгалтерия ахборотларининг тезкор ҳамда жиддий эканлигига боғлиқ бўлади. Бунинг учун аввало, ягона ахборотлар базасини шакллантириш ва барча фойдаланувчиларга очиқ бўлган тизимни бутун республикада жорий этиш орқали мақсадга эришилади. Шунингдек, суғурта ташкилотлари устав капиталига қўйилган талабни босқичма-босқич ошириш ҳам мақсадга этиш учун тиргак бўлиб ҳисобланади.

Умуман олганда, ушбу мақолада суғурта ташкилотлари молиявий барқарорлигини оширишда молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларидан фойдаланиш ва натижада кутиладиган ижобий натижалар ҳамда суғурта ташкилотлари молиявий ҳисоботини тузиш орқали юзага келадиган барқарорлик асослари келтириб ўтилган бўлиб, бу орқали суғурта ташкилотлари учун муҳим аҳамият касб этган мижозлар оқими ва кўламини кенгайтириш орқали бозор сферасини ҳаракатга келтирадиган куч мавжуд эканлиги таъкидлаб ўтилган.

Умуман олганда, Ўзбекистон суғурта ташкилотлари молиявий барқарорлигини таъминлаш натижасида суғурта бозорининг консерватив ҳолатига эришиш мумкин. Бу эса, иқтисодий нотурғунлик даврида суғурта бозорининг ишончилигини ошириш, суғурта ташкилотлари молиявий барқарорлигини ва тўлов қобилиятини оширишга қаратилган қадам ҳисобланади.

Адабиётлар:

Алекринский А.Л., Архангельская Т.А., Асабина С.Н. и др. (1995) Аудит страховых компаний: Практическое пособие для аудиторов и страховых организаций / Под ред. В.И.Рябкина. – М.: АО –«Финстатинформ», 128 с.

Кузьминов Н.Н. (2000) Особенности бухгалтерского учета в страховых компаниях. «Для руководителей и бухгалтеров страховых аудиторов, преподавателей, студентов и слушателей экономических факультетов и специальных курсов» Анкил.: 204 с.

Полазнова Т.В. (2007) Учет доходов и расходов от страховых операций в страховых организациях / Нижний Новгород: 161 с.

Петрова В.И., Петров А.Ю., Скачко Г.А. (2008) Бухгалтерский учет, анализ и аудит деятельности страховых организаций. – М.: Финансы и статистика, 400 с.

Қарор (2019) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 2 августдаги «Суғурта бозорини ислоҳ қилиш ва унинг жадал ривожланишини таъминлаш чоратadbирлари тўғрисида»ги ПҚ-4412-сон.

Қарор (2019) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 19 февралдаги «Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятини янада ривожлантириш чоратadbирлари тўғрисида»ги ПҚ-3946-сон.

Қонун (2016) Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 13-апрелдаги «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги қонуни 4-модда. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 15-сон, 142-модда. www.norma.uz

Ходжаева М.Х. (2001) Суғурта фаолияти бухгалтерия ҳисоби ва аудитининг ҳозирги аҳволи ва уни такомиллаштириш йўллари. // и.ф.н. диссертацияси, Ўзбекистон Республикаси БМА, 148 б.